



Shu aziz VATAN — barchamizniki!

O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 19-iyul. Seshanba 85 (31.361) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!



2011 йилнинг биринчи ярим йиллигида 22,8 мингдан ортиқ кичик бизнес корхонаси рўйхатга олинди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан 331,2 мингта иш ўрни ташкил этилди.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида тижорат банклари томонидан иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини кредитлаш ҳажми 38 фоизга, шу жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажми 1,5 баробарга ошди.



Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида

Халқингизнинг улкан бунёдкорлик салоҳияти барчани ҳайратга солади

Ўзбекистон ўзининг бетақор тарихий обидалари, бой маданияти ва анъаналари, гўзал табиати ва замонавий шаҳарлари билан сайёҳлар ва хорижлик меҳмонларни мафтун этмоқда. ЎЗА муҳбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.

Андрей ВАНЕЛИК (Польша):

— Ўзбекистонга оилам билан келдим. Ёнги таътилни бу йил мамлакатингизда ўтказиётганимиздан қувончимиз чексиз, айниқса, фарзандларим жуда хурсанд. Бу ерда болаларнинг мароқли дам олиши учун яратилган шароитга ҳар қандай ривожланган давлатнинг болалари ҳам ҳавас қилади, деб ўйлайман. Юртингизнинг тоғли ҳудудларидаги дам олиш масканларида бўлдим.

Сайёҳлар аввало тинч ва осуда жойларга интилади. Кўп юртларда бўлганман. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳали ҳеч бир мамлакат мени Ўзбекистондек мафтун этмаган. Пойтахтингизнинг соя-салқин боғлари, сержило фавворалари, кенг ва озода кўчалари, замонавий улкан иншоотлари, энг муҳими, меҳмондўст одамлари бизда унутилмас таассурот қолдирди.

Афка Хумайра АБДУЛЛОХ хоним (Малайзия):

— Ўзбекистон — гўзал тарихий обидалар, маданий ёдгорликлар ва хушманзара масканларга жуда бой мамлакат. Ҳар келганимда Ҳазрати Имом мейморий мажмуасини зиёрат қиламан. Бу ердаги Бароҳон мадрасаси, Мўйимбурак зиёратгоҳи, Тилла Шайх масжиди ва

бошқа бетақор обидалар халқингизнинг улкан бунёдкорлик салоҳияти ва яратувчилик даҳосининг ёрқин намоёнидир.

Мамлакатингизда мустақиллик йилларида қадимий обидаларни тиклаш, шаҳар ва қишлоқларни обод этиш, халқ фаровонлигини оширишда чинакам тарихий аҳамият касб этган ишлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Бу сайёҳларнинг диққат-этиборини жалб этувчи энг муҳим омиллардир.

Амит СЕХГАЛ (Хиндистон): — Мамлакатингизнинг Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўлаб қадимий шаҳарларидаги тарихий обидалар кўп асрлардан бери инсониятни ҳайратга солиб келмоқда.

Ўзбекистон иқтисодийнинг барча соҳалари изчил ривожланмоқда. Мамлакатингиз бошқа соҳалар қатори тўқимачилик саноатида ҳам улкан салоҳиятга эга. Ўзбек матоларидан тайёрланадиган либослар замон талабларига тўлиқ мос келиб, маъинлиги, табиийлиги, кўркам ва бежиримлиги билан ажралиб турди. Шу боис мен мамлакатингизда ишлаб чиқарилаётган гўзал матолардан харид қилдим.

ЎЗА муҳбири Нодиро МАНЗУРОВА ёзиб олди.

Бугун Асака автомобиль заводининг ишга тушганига 15 йил тўлди



Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

«GM-Uzbekistan» дунёга юзланди

Асака автомобиль корхонаси мустақил Ўзбекистонимиз иқтисодий қудратининг аққол мисоли, истиқлол йилларида эришилган ютуқларнинг энг ёрқин ифодасидир. Юқори технологиялар асосида барпо этилган бу замонавий қўшма корхона дунё ҳамжамиятида янги автомобиль ишлаб чиқарувчи мамлакат — Ўзбекистон пайдо бўлганидан дарак берди.

рилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 218 мингтага етди. Жорий йилда эса 225 мингта машина ишлаб чиқариш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда.)

Юртбошимиз Ислам Каримов ташаббуси билан асос солинган корхона иқтисодийнинг мухтакам пойдеворига айланди. У янги гоғлар, инновацион ечимлар генератори вазифасини ўтаб, барча тармоқларни ривожланиш йўлига олиб чиқувчи янги автомобиль саноатини яратиб қадимий вазифани ҳаётга татиқ этишга бутун республикани сафарбар қилди.

Жаҳон амалиёти далолат беришича, автомобиль саноатида яратилган

битта иш ўрни турдош соҳаларда қамада еттига иш ўрни яратилишига олиб келади. Диққатга сазовор жойи шундаки, бу жараён ишчилар сонини кўпайтирибгина қолмай, ёшларни билим ва малака талаб этувчи замонавий касб эгаларига айлантиради, дунёқарашини кенгайтиради.

Утган 15 йил мобайнида Асака автомобиль заводидан 1,5 миллионга автомобиль ишлаб чиқарилди ва сотилди. Чунончи, 1996 йилда 25 мингта замонавий машина ишлаб чиқа-



ЎЗХДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан

Ижтимоий масалалар ўз ечимини топмоқда

Олтиариқ туманидаги Файзиобод, Полосон ва Янгиқўрғон қишлоқларида ер ости сувлари кўтарилиб, деҳқончиликка жиддий зарар етказиб бошлади. Бу, айниқса, фермер ҳужалиқлари фаолиятида камҳосиллик ва бошқа иқтисодий муаммоларни келтириб чиқарди. Гарчи ЎзЛиДеП: «Фермерлар бизнинг электоратимиз», деб алоҳида таъкидласа-да, юзага келган вазиятга эътибор қаратмади. Аммо одамлар рўзғори, турмуши, эртанги куни билан боғлиқ бу муаммага бефарқ қараб бўлмасди. ЎЗХДП Олтиариқ туман кенгаши, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи тегишли мутахассисларни жалб этди. Ернинг захланганлик даражаси ҳамда унинг сабаблари ўрганилди.

⇒ 2

КОНЦЕПЦИЯ:

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви

органлари фаолиятининг очиқлиги эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти

2-бет



Ислоҳотлар тақдирини ҳудудларда ҳал бўлади ⇒ 3

Ифтихор

Ўзбек футболни, ўзбек ўғлонлари эришган ёрқин ғалабалар

футболимиз тарихида катта бурилишни бошлаб берди ⇒ 4

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 YIL 19 IYULDAN BO'SHLAB HORIJIIY VALYUTALARINING S'UMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI

1 Австралия доллари	1824,88	1 Миср фунти	289,38	1 СДР	2739,17	10 Жанубий Корея вон	16,23
1 Англия фунт стерлинги	2772,89	1 Канада доллари	1799,41	1 Туркия лираси	1039,22	10 Япония иенаси	217,97
1 БАА дирҳами	468,95	1 Хитой юани	266,36	1 Швейцария франки	2120,40	1 Россия рубли	61,24
1 АҚШ доллари	1722,40	1 Малайзия ринггити	571,75	1 Евро	2426,31	1 Украина гривнаси	216,08

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.



КОНЦЕПЦИЯ: Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви

органлари фаолиятининг очиқлиги эркин фуқаролик жамияти барпо этишининг муҳим шарт

Мажитхон УСМОНОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси



«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Шу муносабат билан «Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» қонун қабул қилиш зарурлиги таъкидланган.

Авалло, айтиш керакки, бу қонун давлат ҳоқимияти органлари фаолиятининг жамоатчилик хабардор қилиб бериш тартибини белгилаб бериши билан аҳамиятга эга. Аҳоли, жамоат бирлашмалари давлат ҳоқимияти органлари қабул қилаётган қарорлар, хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуннинг манфаатлари билан боғлиқ ҳужжатлар ҳақида кенг

тушунчага эга бўлиши ва бунинг таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур қонун давлат ҳоқимияти органлари фаолиятининг очиқ ва ашкора олиб берилиши, бу борада ҳуқуқий асослар белгиланиши учун замин яратди. Қонун давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги ахборотдан аҳолининг кенг фойдалана олишини таъминлаш, фуқаролар-

нинг ахборот олиш борасидаги конституциявий ҳуқуқини тўла рўёбга чиқариш, бунинг шакл ва усуллари кенгайтириши, айтиш пайтда, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари қабул қилмайдиган қарорларга жавобгарлигини ошириши билан қимматлидир.

Мазкур қонунда давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти, уларнинг ахборот хизмати тўғрисидаги маълумот, ундан фойдаланувчилар мақомига ҳуқуқий таъриф бериши, томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш кўзда тутилмоқда.

Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан фойдаланиш, тақдир этилаётган маълумотнинг очиқ ва ашкоралиги, долзарблиги, тезкорлиги ва ҳаққонийлиги таъминланиши асосида амалга оширилиши зарур. Қонун лойиҳасида буни инобатга олиш мақсадаги мувофиқдир.

Албатта, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги ахборот манбаларини аниқ белгилаб қўйиш лозим. Бундан ташқари, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги ахборотдан фойдалана олишини таъминлашда тегишли хабарлар тўғрисидаги ахборотнинг очиқлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги ахборотлардан жамоатчилик асосан оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлишни таъминлаш долзарб масаладир. Шунинг учун ҳоқимият органлари йиғилишларида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштироки буйича меъёрлар аниқ белгилаб берилиши зарур. Халқаро тажрибага кўра, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг очиқ тадбирларига оммавий ахборот воситалари ходимлари иштироки таъминланади. Шу сабаб, қонун лойиҳасида давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органларининг очиқ кенгашилари тушунчасига тўлиқ ҳуқуқий таъриф берилишининг аҳамияти катта. Оммавий ахборот воситаси ва унинг вакили аккредитация қилинган давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органи дастлаб уни муҳим тадбирлар ва режалар тўғрисида хабардор қилиши, журналистнинг ўз касбига хос мажбуриятларини бажаришига ташкилий жиҳатдан кўмак бериши лозим. Шу боис, қонун лойиҳасида давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги аккредитация қилинадиган оммавий ахборот воситалари ва уларнинг вакиллари ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«GM-Uzbekistan» Дунёга юзланди

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Автомобиль индустрияси ташқи бозорда ҳам ўз мавқеини изчил мустаҳкамлаб бормоқда. Бугунги кунга келиб, ўзбек автомобилсозлигининг ҳамдўстлик давлатларида 250 дан зиёд дилерлик тармоғи мавжуд. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомашиналар биргина Россиянинг 100 та шахрида сотилмоқда. 2010 йилда Озарбойжоннинг Хачмас шаҳрида шундай марказ очилди. Яқин орада эса Масал-Ленкоран шаҳарларида сотув йўлга қўйилади. Туркменистоннинг Тошхўв уз ва Туркманбод шаҳарларида ҳам дилерлик тармоғи ишлаб турибди. Уларга қўшимча равишда Туркманбод ва Болқонбод шаҳарларида шу каби марказлар ташкил этилади.

лари ичида энг хариддоргир ўнлалик қаторидан жой эгаллади. Бошқа бозорларда ҳам сотув ҳажмини ошириш юзасидан мунтазам иш олиб борилаётган. Унинг натижаси ўлароқ Асака автомобиллари ўтган йили Қозғонистонда 2009 йилга нисбатан икки баробар кўп харид қилинган. 2010 йилда Украинада ҳам сотув ҳажми 20 фоизга ортиган.

«Матиз» рўсумидаги машиналар экспорт қилинди. Қувонарлик шўки, ўзбек машиналари бу юртида сотилаётган хориж машина-

Россияда «Йил автомобили» кўриқ-танловида «Шероле Спарк» автомашинаси «Шаҳар автомобиллари» номинациясида ғолиб деб топилган ҳам ўзбек машиналарининг довуғини оширди. Маълумотларга қараганда, Россияга автомобиль экспорт қилувчи мамлакатлар орасида Ўзбекистон Япония ва Германиядан сўнг учинчи ўринга кўтарилди.

Аҳмадидилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ижтимоий масалалар ўз ечимини топмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Жами 1117 километр туманлараро, хўжаликлараро ва ички зовурлар бўлиб, шундан давлат дастурига асосан ҳозиргача 352 километр зовур тозалангани аниқланди. — дейди туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Фуркат Ҳонидов. — Ҳолбуки, Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига кўра, мазкур соҳадаги вазифалар аниқ белгилаб берилган. Агар зовур тозалаш, янги зовурлар очиб, дренажлар ишга тушириш етарли даражада олиб борилганда, ер ости сувларнинг кўтарилиши содир бўлмас эди.

ҳам долзарб эди. Лоғонликлар кундалик эҳтиёжи учун 20-25 чақирим йўл босиб, Фарғона шаҳридаги бозорга қатнайдилар. Усонобод қишлоғида эса уч мингдан зиёд аҳоли яшайди. Беморлар олис туман марказига келишга мажбур...

Депутатлик гуруҳи жамоатчилик муносабати асосида барча тегишли идора вакиллари иштирокида масалани атрофлича ўрганди. Лоғон қишлоғида Деҳқон бозори ташкил этиш масаласи маҳаллий тадбиркорлар иштирокида ўз ечимини топаётган. Аммо бунинг учун ер-жой ва кредит ажратиш масаласини ҳал этиш керак. Усонобод қишлоғида қишлоқ врачлик пункти куририш эса вилоят миқёсидаги идоралар билан боғлиқ. Шунга кўра, партия депутатлик гуруҳи бу ишларни халқ депутатлари Фарғона туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ихро этиш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси муҳокамага киритди. Доимий комиссияси ЎзХДП депутатлик гуруҳи тақлифини маъқуллаб, масалани туман Кенгаши сессияси кун тартибига киритиш ҳақида қарор қабул қилди.

Хотин-қизлар манфаати йўлида яратилаётган имконият ва шарт-шароитлар муҳокамаси

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг бошқаруви йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қўмита фаолиятининг жорий йил биринчи ярми натижалари муҳокама этилди.



Ийгилишда аёллар саломатлиги ва тадбиркорлик фаолиятининг таъминлаш масалалари асосий эътиборда бўлди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, иш билан бандлигини таъминлаш, меҳнат ҳуқуқини ҳимоялаш борасида амалга оширилган ишлар ва бошқа масалалар муҳокама этилди.



Хуқуқларини ҳаётга кенг татибқ этиш лойиҳаси доирасида Қонлиқул, Қарши ва Тошлоқ туманларида, шунингдек, Германиянинг омонат кассалари қўллаб-қувватлаётган яна бир лойиҳа асосида Навоий, Сирдарё, Фарғона ва Тошкент вилоятларида кенг қўламли ишлар қилинмоқда. Буларнинг барчаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг кўзаланган мақсадини рўёбга чиқаришга қаратилган.

— Июнь ойида касаба уюшмалари, «Микрокредитбанк», Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар билан бирга, хотин-қизларнинг иш билан таъминлаш дастурининг Жиззаҳ ва Наманган вилоятларидаги ижроси ўрганилди, — деди Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Гўлнора Маърупова — Натижада ютуқлар билан бирга, қатор камчиликларга йўл қўйилаётгани маълум бўлди. Мисол учун, хотин-қизлар бандлиги, меҳнат шартномалари тузиш, меҳнат дафтарчаси юритиш борасида хуқуқларнинг бузиллишига дуч келаяпти. Жиззаҳ вилояти Фориш туманидаги жуни қайта ишлаш, жун маҳсулотини бошламоқчи бўлган аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 18 миллион 643 доллар сумга яқин имтиёзли микрокредит ажратди ва 9705 та иш ўрни очилди.



ерда ишлаётган 12 нафар қиз билан ҳеч қандай меҳнат шартномаси тузилмаган. «Наманган уй-ой» корхонасида шу йилнинг 5-олида 36 та иш ўрни яратилиши керак бўлган, аммо бу иш адо этилмаган. Бу каби камчиликларга ташкилотларнинг эътиборсизлиги, сусткашлиги, қолаверса, аёлларнинг меҳнатга оид қўнунларни яхши билмаслиги, ўз хуқуқларини ҳимоя қила олмаслиги сабаб бўлмоқда.

— «Микрокредитбанк» кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда, айниқса, аёллар тадбиркорлигига катта эътибор қаратиб келмоқда, — деди «Микрокредитбанк»нинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг директори Зулфия Каримова. — Биринчи навбатда, тадбиркорларга қўлай имконият яратилиши кўзда тутилади. Маълумки, кредитлашнинг 5 та тамойилидан бири таъминотдир. Бунда жисмоний шахс қабилиги яратилди. Банк қошида ташкил этилган Агроинвест суғур-

та компанияси мана шу кредитларни суғурта қилиш бўйича гувоҳнома олди ва микрокредитлар суғуртасини йўлга қўйди. Бу — хотин-қизлар бандлигини таъминлашда қўшимча имкониятлар яратди...

Езёвон туманининг Пахтачи ва Хонобод қишлоқлари аҳолиси деҳқончилик учун ҳам, истеъмол учун ҳам сув тақчиллиги ва табиий газ таъминотида узилишлар бўлаётгани учун ЎзХДП туман кенгашига мурожаат қилиди. Партия депутатлик гуруҳи ўтказган таҳлилга кўра, ҳар икки қишлоқда ер ости тик артизан қудуқлари мавжуд, аммо таъмирталаб. Уларнинг мўтасил ишлашини ташкил этиш, газ таъминотида эса босимни мўътадиллаштирирадиган ускуналар ўрнатилш лозим. Депутатлар ваколатлари доирасида «Газлойдига Кўкон» МЧЖ, «Сирдарё-Сўх уйрақчиси» тизимлари ҳавада бошқарилганга аниқ ҳисоб-китоб ва тақлиф билан мурожаат этишди. Масаланинг яна бир томони молиявий таъминотга боғлиқ эди. Депутатлик гуруҳи масалани яхли холда туман Кенгаши сессиясида муҳокама этиб, тегишли қарор қабул қилиш керак, деган фикрга келди. Шу кунларда масалани сессияга олиб чиқиш бўйича тайёрлик қилинмоқда.

Мухаммаджон ОБИДОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш борасидаги ишларни касаба уюшмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий партияларнинг аёллар қанотлари билан ҳамкорликни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Юн Вомен» тузилмаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон аёлларининг иқтисодий

Сайловчилардан Лоғон қишлоғида деҳқон бозори ташкил этиш, Усонобод қишлоғида эса қишлоқ врачлик пункти курилишини туманнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритиш ҳақида мурожаат бўлди, — дейди халқ депутатлари Фарғона туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари Маъмуржон Матмурзаев. — Ҳар икки масала

Ифтихор

Ўзбек футболлари, ўзбек ўғлонлари эришган ёрқин ғалабалар

Футболимиз тарихида катта бурилишни бошлаб берди

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан футболни, айниқса болалар футболни ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида улкан ислохотлар амалга оширилди.



Муродбек Зиёев олган суратлар.

ликка кира олди. Муҳсин УБАЙДУЛЛАЕВ, терма жамоа химоячиси:



Алексей ЕВСТАФЕЕВ, терма жамоа бош мураббийи: — Бизнинг камтарона меҳнатларимизни қадрлаб, кўрсатган ғамхўрлиги учун Президентимизга чексиз миннатдорчилик билдирмаман.

Аҳмаджон МУСАЕВ, терма жамоа катта мураббийи: — Йигитларимиз биринчи учрашуда кутилмаганда ютқазиб қўйишди. Шундай бўлса-да, уларни ортиқча қийинчилик билан қўйишди.

— Мундиалга аслида захира ўйинчиси сифатида йўл олгандим. Равшан Ҳайдаровнинг кутилмаганда жароҳат олиши натижасида асосий таркибда майдонга тушдим.

Биз ҳар доим футболчиларга бир нарсани, сизлар мустақиллик фарзандисизлар, ўзингизни кўрсатишингиз шарт, деб уқтириб келганмиз.

Аббос МАХСТАЛИЕВ, терма жамоа сардори: — Бугунги кун ҳеч қачон хотирамдан ўчмайди. Буларнинг барчаси учун Президентимизга раҳмат!

Менинг бу даражага чиқишимда хизмати катта бўлган биринчи мураббийим Ҳошимжон Утановдан миннатдорман.

Азизбек МУРОДОВ, терма жамоа ярим химоячиси: — Мундиал бахсларида ўзимизни кўрсата олдиқ деб ўйлайман. Жамоамиз чиндан ҳам яхши ўйнади.

Тимур ҲАКИМОВ, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси хужумчиси: — Жаҳон чемпионати — катта мусобақа. Шундай турнирда қатнашишнинг ўзи бахт.

Равшан ҲАЙДАРОВ, терма жамоа химоячиси: — АҚШ билан ўйиннинг сўнгги дақиқаларида оёғим қайрилиб кетди. Ўйиндан кейин шифокорлар оёғимни гипсга қўйишди.

Ғанишер ХОЛМУРОДОВ, терма жамоа дарвозабони: — Мексикага жўнаб кетишимиз олдиндан УФФ президенти Мирабгор Усмонов бизга: «Сизлардан ҳеч қандай натижа талаб қилмайман.

Сардор РАҲМОНОВ, терма жамоа химоячиси: — Биринчи ўйинда Аббос иккаламиз дисквалификация туфайли майдонга туша олмадик. Ўшандаги ҳолатимизни айтиб беролмайман.

Утқазиб юборилган ҳар бир голда дарвозабоннинг маълум маънода айби бўлади. Шу боисдан ҳам Янги Зеландия билан ўйинда 4 та гол ўтказиб юборганимга ўзимни айбдор ҳис қилдим.

Бобур ДАВЛАТОВ, терма жамоа ярим химоячиси: — АҚШ билан ўйинда киритган тўлим шу пайтгача урган голларим ичида мен учун энг қадрлиси. Ўша вазиятда Тимур менга тўпни оширганида ўйлаш учун вақт кам эди.

Июнь ойининг охирида Осиё футбол конфедерацияси вакиллари мамлакатимиз олий лигаси клубларини текширувдан ўтказиш мақсадида юртимизга ташриф буюрди. Улар мавжуд 14 та жамоадаги ахволни ўргандилар ва таҳлиллар натижаси билан ўртоқлашдилар.

Токуаки СУЗУКИ, ОФК делегацияси раҳбари: — Болалар футболнинг ривожланиши бўйича Ўзбекистон Осиёнинг энг етакчи давлатларидан бири ҳисобланади.

Жавлон МИРАБДУЛЛАЕВ, терма жамоа химоячиси: — Биринчи ўйин терма жамоамиз учун оғир ўтди. Мен учун эса икки хисса кийинроқ бўлди.

Чемпионат давомида фақат уч киши ҳамма ўйинни тўлиқ ўтказди. Шулاردан бири бўлганимдан хурсандман. Бунинг учун мураббийларимизга раҳмат.

Давлатбек ЁРБЕКОВ, терма жамоа ярим химоячиси: — Жаҳон футболларида бир тажриба бор: мураббийлар айрим ўйинчиларни захирада сақлайди, кейин улар майдонга тушиб ўйинни кучайтиради.

Ҳамидулло ЭСОНОВ, Муҳсин УБАЙДУЛЛАЕВнинг отаси: — Ўғлим болалигидан футбол ўйнашни яхши кўрарди. Баъзи ота-оналар фарзандларининг тўп теппини ҳушлайвермайди.

Дилбар ХУРШАЕВА, Сардор РАҲМОНОВнинг онаси: — Бугунги бўлаётган тадбирлар, давлатимиз томонидан берилган эътибор ҳамма хурсанд қилаяпти. Мен ўзимни энг бахтиёр она деб ҳисоблайман.

Ўғлим болалигидан футбол ўйнашни яхши кўрарди. Баъзи ота-оналар фарзандларининг тўп теппини ҳушлайвермайди. Аммо мен ўғлимни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилдим.

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг ўйинлари борасида жорилик мутахассислар ҳам ўз фикрларини билдирдилар.

Владимир РАДИОНОВ, Россия футбол иттифоқи собик бош котиби: — Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг ўйини кўрдим — ниҳоятда кучли тайёрланган йигитлар.

Дарҳақиқат, ҳозир ўсмир ёшидаги бу болалар вақти келиб ёшлар, катталар ўртасида жаҳон чемпионатларида қатнашади. Буяқ максададлар сари олға, йигитлар!



Миллий матбуот марказида

Огоҳлик — Давр талаби

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида «Таълим-тарбия жараёнлариغا ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва интернет тармоғидаги «оммавий маданият» ҳамда турли ёт гоёларга қарши кураш самардорлигини ошириш дастурлари» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ўқувчилар ўртасида «оммавий маданият» элементларига тақлид қилишнинг олдини олиш, улар қалбида маънавий-ахлоқий қадриятларга ҳурмат ҳамда садоқат туйғуларини шакллантириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб ишлар ҳусусида фикр юритишди.

Бугунги кунда таълим тизимига замонавий технологияларни кенг татбиқ этиш, бу жараёнда интерфаол усуллар ва интернет тармоғидан самарали фойдаланиш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

Хуллас, ёшларни, айниқса мактаб ўқувчиларини «оммавий маданият» таъсирига тушиб қолишдан сақлаш, уларни Ватанимизга муҳаббат, миллий қадриятларимизга ҳурмат, бунёдкорлик гоёлари ҳар биримизнинг асосий вазифамиздир.

Тоштемир худойқулов

Table with columns: OB-ХАВО, 19-20.07. 2011, БУГУН, ЭРТАГА. Lists weather forecasts for various cities like Toshkent, Samarqand, Nukus, etc.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Ўзбекистан» газеталари таҳририяти жамоаси журналисти Зиёвуддин Ортиқхўжаевнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардик билдиради.

MUASSIS: Bosh muharrir: Safar Ostonov. Tahrir hay'ati: Abdulla Oriпов, Latif G'ulomov, Bobir Alimov, Sharbat Abdullayeva, Murodulla Abdullayev, Ulug'bek Mustafoyev, Tat'yana Kistanova, G'affor Hotamov, Muslihidin Muhiddin, Muhiddinov, Ochiyboy Ramatov, Saidahmad, RAHIMOV.

BO'LIMLAR: Partiya hayoti... Manzilimiz: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy. Gazeta o'zbekiston matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz. F - 746, 11278 nusxada bosildi. Soluvda erkin narxda.